БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 278 (16.664). | 27 ноябрь 1976 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИ ЖАҲОН СИЁСАТИНИНГ ТУБ ПРОБЛЕМАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРАШЛАР БИРЛИГИНИ, ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК УЧУН КУРАШДА МАКСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ

А Х Б О Р О Т И

1976 йил 25—26 ноябрь кунлари Бухарестда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда:

Болгария Халқ Республикасидан — делегация бошлиғи, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Станко Тодоров; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР ташқи ишлар министри Петр Младенов; БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКП Марказий Комитети Биринчи секретари кабинетининг директори Милко Балев; БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКП Марказий Комитетининг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар бўлимининг мудири Димитар Станишев;

Венгрия Халқ Республикасидан — делегация бошлиғи, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Дьердь Лазар; ВСИП Марказий Комитетининг секретари Андраш Денеш; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри Фридьеш Пуйя;

Германия Демократик Республикасидан — делегация бошлиғи, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ҒДР Министрлар Совети Раиси Вилли Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Герман Аксен; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ҒДР ташқи ишлар министри Оскар Фишер; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлимининг мудири Пауль Марковски; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, давлат секретари, ҒДР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Херберт Кроликовски;

Польша Халқ Республикасидан — делегация бошлиғи, Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герек; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Петр Ярошевич; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Эдвард Бабюх; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри Стефан Ольшовский; ПБИП Марказий Комитетининг секретари Ришард Фрелек; ПБИП Марказий Комитетининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитети секретариати канцеляриясининг мудири Ежи Вашчук;

Руминия Социалистик Республикасидан — делегация бошлиғи, Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Николае Чаушеску; РКП Марказий Комитети сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри Маня Мэнеску; РКП Марказий Комитети сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари Илие Вердец, РКП Марказий Комитети сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитетининг секретари Штефан Андрей; РКП Марказий Комитетининг секретари Аурел Дума; РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР ташқи ишлар министри Жорже Маковеску;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — делегация бошлиғи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико; КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев; КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко; КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков; КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — делегация бошлиғи, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси Любомир Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари Василь Биляк; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Богуслав Хнеупек; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети халқаро сиёсат бўлимининг мудири Антонин Ваврушқ қатнашдилар.

Кенгаш ишида Бирлашган қуролли кучлар штабининг бошлиғи—Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари Бош қўмондонининг биринчи ўринбосари армия генерали А. И. Грибков ва Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Бош секретари Н. П. Фирюбин ҳам иштирок этдилар.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида тинчлик ва халқаро кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштириш учун, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун бундан буёнги курашнинг актуал масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари «Халқаро кескинликни юмшатишда янги марралар учун, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун» декларациясини якдиллик билан қабул қилдилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар якунловчи актни имзолаган ҳамма давлатлар бир-бирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, хавфсизлик ва ишончни мустаҳкамлашга мос бўлиб тушар эди, деб ҳисоблайдилар. Улар маъқуллаган шартнома лойиҳаси Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг тегишли мурожаати билан биргаликда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи бошқа ҳамма давлатлар муҳокамасига юборилади.

Декларация ва шартнома лойиҳасининг текстлари алоҳида эълон қилинади.

Шартнома лойиҳасида сиёсий ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш мақсадида шартнома доирасида сиёсий маслаҳат комитетининг органлари сифатида ташқи ишлар министрлари комитети ва бирлашган секретариат тузишга қарор қилинди.

Сиёсий маслаҳат комитети Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари штаби бошлиғининг бирлашган қўмондонликнинг амалий ишлари тўғрисидаги докладини тинглади.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши тўла ҳамжиҳатлик, қардошларча дўстлик ва қалин ҳамкорлик вазиятида ўтди. Бўлиб ўтган фикрлашувлар Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг жаҳон сиёсатининг туб проблемалари бўйича қарашлари бирлигини намойиш қилди, тинчлик ва социализм учун, халқаро ҳамкорлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашдаги мақсадлари муштараклигини таъкидлади.

БУХАРЕСТ, 25 ноябрь. Совет делегацияси Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши залида.
ТАСС махсус мухбирлари В. Мусаэльян ва В. Соболев телефотоси.

ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШДА ЯНГИ МАРРАЛАР УЧУН, ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ

ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1976 йил 25-26 ноябрь кунлари Бухарестда бўлиб ўтган кенгашида вакиллари қатнашган Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси тинчлик учун ва халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун бундан буёнги курашнинг актуал масалаларини қўриб чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари кейинги йилларда халқаро муносабатларда муҳим ижобий силжишлар содир бўлганлигидан: халқаро кескинликни юмшатиш жараёни бошланганлигидан, социал тузуми қандайлигига қарамай, давлатларнинг тинч-тотув яшаши қарор топганлигидан мамлакатлар изҳор этадилар. Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин бартараф этилмай қолган муҳим проблемалар тинч воситалар билан ҳал этилди, Европа давлатлари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг барқарор негизига тобора кўпроқ ўтказилмоқда.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шуни қайд этадиларки, шу ижобий силжишларни амалга оширишда ўзларининг бирлигида ва якка тартибда сарфлаган куч-ғайратлари ҳамда актив қадамлари, сиёсий маслаҳат комитети қабул этган ҳужжатлар, жумладан: 1966 йилги Бухарест Декларацияси, 1969 йилги Будапешт Мурожаати, 1970 йилги Берлин Баёноти, 1972 йилги Прага Декларацияси ва 1974 йилги Варшава Ахбороти ғоят муҳим роль ўйнади. Улар Европадаги бошқа давлатлар қўшган ҳиссани ва айниқса қитъадаги халқ оммаси, тараққийпарвар ва демократик кучлар ролини ҳам қайд этдилар. Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашни чақиришда ва унинг ишида муҳим роль ўйнадилар. Европадаги 33 давлат, АҚШ ва Канада иштирокида ўтган бу кенгаш тарихий аҳамиятга молик халқаро воқеа бўлди.

I.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шунга асосланадиларки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг натижалари — ундаги ҳамма қатнашчиларнинг ялпи муваффақиятидир, аҳолидрок ва сиёсий реализм ғалабасидир. Хельсинкида қабул этилган принциплар ва аҳдномалар тинчликни янада мустаҳкамлашнинг кенг ва аниқ платформасидир. Уларнинг замирида қитъадаги давлатлараро муносабатларга узоқ муддат ижобий таъсир ўтказишнинг қудратли потенциали таъминланган. Шу принциплар ва аҳдномаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши Европанинг — хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳукм сурадиган Европанинг янги қиёфасини вужудга келтиради.

Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар кескинликни юмшатишни узлуксиз жараёнга, шунингдек ҳамма давлатларни ўз ичига олувчи, янада яшовчан ва атрофлича жараёнга айлантириш учун куч-ғайрат сарфлаш зарурлигига бўлган ўз ишончларини якунловчи актда изҳор этдилар. Кенгаш Европада содир бўлган ўзгаришларни акс эттирди, қитъада халқларнинг фашизмга қарши урушдаги ғалабаси ва урушдан кейинги ривожланиш натижасида, уларнинг тинчлик ва хавфсизлик шароитида яшаб, ҳамкорлик қилиш ҳоҳиш-иродаси қарор топишн натижасида вужудга келган территориал ва сиёсий реалликларни тасдиқлади.

Умумевропа кенгашида қатнашувчи давлатларнинг ҳар бири ўз зиммасига шу кенгашда қатнашган давлатлар билан ва бошқа ҳар қандай давлатлар билан муносабатларини қуйидаги принциплар: суверен тенглик, суверенитетга хос ҳуқуқларни ҳурмат қилиш: куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик; чегараларнинг бузилмаслиги; давлатларнинг территориал бутунлиги; низоларни тинч бартараф этиш: ички ишларга аралашмаслик; инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни ҳурмат қилиш; халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи тасарруф қилиш ҳуқуқи; давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш; халқаро ҳуқуқ юзасидан олинган мажбуриятларни виждонан бажариш асосида қуриш мажбуриятини олдилар. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўллари ва шакллари белгиланди ҳамда келишиб олинди.

Умумевропа кенгашидан кейин ўтган вақт унинг натижалари конструктив эканлигини, шу натижаларни амалга ошириш реаллигини исботлади. Раҳбар сиёсий ва давлат арбобларининг икки томонлама учрашувларида, шунингдек бошқа даражада ўтказилган икки томонлама ва кўп томонлама музокаралар давомида Хельсинки аҳдномаларини рўёбга чиқаришнинг кўпгина актуал масалалари кўриб чиқилди. Давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган сиёсий маслаҳатлашувлар ва алоқалар практикаси кенгайиб бормоқда. Муҳим сиёсий ҳужжатлар имзоланди, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни, шунингдек одамлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш тўғрисида шартномалар тузилди, бу эса давлатлараро муносабатларга янада кўп томонлама ва тўла қонли характер бахш этади. Ишончни мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисидаги аҳдномаларга биноан йирик ҳарбий машқлар ўтказилиши тўғрисида барвақт хабарномалар юбориб қўйилмоқда, баъзи машқларга кузатувчилар таклиф этилмоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик проблемаларига прогрессив сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари доимо эътибор бериб турибдилар. Европадаги 29 Коммунистик ва ишчи партиянинг Берлин кенгаши ўзларининг кескинликни юм-

(Давоми иккинчи бетда).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

БУХАРЕСТ, 26 ноябрь. (ТАСС). Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Н. Чаушеску Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитети кенгаши ишида иштирок этган делегациялар шарафига расмий зиёфат берди.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси ҳозир бўлди.

Ўртоқ Н. Чаушеску зиёфатда ҳозир бўлган кишиларни кенгашнинг муваффақиятли тугалланганлиги билан самимий табриклади.

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ҒДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккер қардош мамлакатлар делегациялари номидан жавоб нутқи сўзлади.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ШОИР, ГРАЖДАНИН, ДЎСТ

Ўзбек адабиётининг ғоят кўп самимий дўстлари бор, лекин буларнинг орасида Николай Тихонов алоҳида ўринни эгаллайди. 24 ноябрь куни А. Навоий номли театрда бўлиб ўтган тантанали кечада Ўзбекистон Халқ шоири Николай Семёнович Тихоновга китобхонларининг ҳурмат-эҳтироми ҳам, республика адибларининг миннатдорчилиги ҳам ана шу сўзларда ўз ифодасини топди.

Республика жамоатчилиги атоқли совет ёзувчиси ва жамоат арбоби, СССР Олий Советининг депутати, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. С. Тихонов туғилган куннинг 80 йиллигини кенг нишонлади.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

САММИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 59 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети мамлакатимиз меҳнаткашларидан, партия ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар, муассасалар коллективларидан, Совет Армияси ва Флоти жангчиларидан сонсаноқсиз телеграмма ва мактублар олдилар. Совет жамиятининг мустаҳкам маънавий-сиёсий бирлигидан, совет халқининг Коммунистик партия, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ушинг ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслашганлигидан далолат берувчи бу табрикномаларда КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати тўла маъқулланади.

Совет кишилари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда эришган конкрет муваффақиятлари тўғрисида хабар бердилар. 1976 йил топшириқларини муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга, умуман ўнинчи беш йиллик планини тўла ва ошириб бажариш учун яхши замин яратишга қатъий бел боғлаганликларини билдирадилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қондалар ва хулосаларни баланд руҳ билан ва қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Қардош социалистик мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий-демократик партияларнинг, ҳукуматларнинг раҳбарларидан, давлат ва жамоат арбобларидан, чет мамлакатлардаги демократик ташкилотлар ва айрим гражданлардан табрик телеграммлари ва мактублар олинди. Бизнинг дўстларимиз Советлар мамлакатининг Улуғ Октябрь идеалларига чексиз содиқлигини, унинг барча халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати чуқур, изчил ва ташаббускор эканлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқдалар. Совет Иттифоқининг КПСС XXV съезди қабул қилган тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан бўёнги кураш программасини амалга ошириш соҳасидаги халқаро фаолияти яхши тушунилиб, қўллаб-қувватланмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги муносабати билан қутловлар ва эзгу истаклар йўллаганликлари учун партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар ва муассасалар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, партия ва меҳнат ветеранларига, барча совет кишиларига, қардош социалистик мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий-демократик партияларнинг, ҳукуматларнинг раҳбарларига, чет мамлакатлар давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга ва айрим гражданларга самимий миннатдорчилик билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ БУХАРЕСТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 26 ноябрь куни Бухарестдан Москвага жўнаб кетди. У РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан дўстона визит билан РСРда меҳмон бўлиб турди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарестда бўлиб ўтган кенгашида СССР делегациясига бошчилик қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ТАСС бош директори Л. М. Замятин ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Москвага жўнаб кетдилар.

Пойтахтнинг минглаб аҳолиси ўртоқ Л. И. Брежневни, Совет Иттифоқидан келган бошқа ўртоқларни кузатиб қўймоқ учун Совет Иттифоқи ва Руминиянинг давлат байроқлари билан безатилган Бухарест — Отопени аэропортига келди.

РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзолари М. Мэнеску, Э. Бобу, К. Буртикэ, Г. Чоарэ, И. Динкэ, Э. Дрэгэнеску, Я. Фазекаш, И. Ионицэ, П. Лупу, П. Никулеску, Г. Опря, Г. Панэ, Н. Пэцан, Д. Попеску, Г. Рэдулеску, Л. Рэуту, И. Углар, И. Вердец, Ш. Войтек, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидатлар Ш. Андрей, И. Банк, И. Коман, М. Даля, М. Добреску, И. Урсу, РКП Марказий Комитетининг секретарлари К. Дэскэлеску, А. Дума, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР ташқи ишлар министри Д. Маковеску, РКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, РСРнинг СССРдаги элчиси Г. Бадрус, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг РСРдаги элчиси В. И. Дрозденко меҳмонларни кузатиб қўймоқ учун аэропортга келдилар.

Бу ерда РСРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет элчихонасининг дипломатия ходимлари ҳам бор эдилар.

Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежневга рапорт берди. СССР ва РСР давлат гимнлари ижро этилди. Тўплардан 21 марта ўқ узилиб, фахрий салют берилди. Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Пионерлар совет ва румин партия ва давлат арбобларига гуллар тақдим этишди. Бухарест меҳнаткашларининг вакиллари Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртоқларни шод-хуррамлик билан табриклайдилар. Қардошларча, бузилмас румин—совет дўстлиги, РСР билан СССР, РКП билан КПСС ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик шарафига табрик хитоблари айтилади.

Ўртоқ Н. Чаушеску самолёт зинапоясн олдида Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, А. А. Громико, К. Ф. Катушев, К. У. Черненко ва Совет Иттифоқидан келган бошқа ўртоқлар билан самимий ҳайрлашади.

Самолёт Москва томон йўл олади.

(ТАСС).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Узбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз ишлаб чиқаришининг ветерани, Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси Искандар Дўсов оғир касалликдан сўнг 1976 йил 25 ноябрда вафот этди.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШДА ЯНГИ МАРРАЛАР УЧУН, ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

(Боши биринчи бетда).

шатишни чуқурлаштириш, уруш хавфини камайтириш ва қуролсизланиш соҳасидаги конкрет тадбирларни амалга ошириш, қитъада тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашда сиёсий ва ижтимоий кучларнинг кенг кўламда бахамжиҳат ҳаракат қилишига интилиш соҳасидаги азми қарорини таъкидлади.

Умуман Европадаги сиёсий муҳит «совуқ уруш» қолдиқлари ва сарқитларидан тобора кўпроқ халос этилмоқда. Бироқ, ялпи тинчликни ҳам, Европадаги тинчликни ҳам мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш жараёни бир талай қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Можароли вазиятларни вужудга келтиришга интилаётган, қуролланиш пойгасини кучайтираётган, давлатларнинг суверенлигини ва мавжуд чегараларнинг бузилмаслигини, кескинликни янада юмшатиш мумкинлиги ва мақбуллигини шубҳа остида қолдиришга уринаётган, империалистик сиёсатнинг эскн услубларини қайта тиклаётган реакция, милитаризм ва реваншизм кучлари ҳамон яшаб келмоқда. Бу кучлар давлатларнинг ички ишларига ғаламислик билан аралашмоқдалар, улар халқларга у ёки бу мамлакатда қандай ички тартиб ўрнатиш лозимлигини, ҳукумат фаолиятида қайси партиялар қатнашиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини буюрмоқчи бўлмоқдалар. Уларнинг таъсири остида Якунловчи актнинг руҳи ва ҳарфини сохталаштириш ҳамда Хельсинкида қабул этилган принциплар ва аҳдномаларни бузиб талқин этиш йўлида уринийб кўрилмоқда, Якунловчи акт қоидаларини бажаришда ва халқаро вазиятни янада соғломлаштиришга олиб борадиган қадамларни амалга оширишда иккиланиш ҳамда чалакам-чатти-лик кўринишлари пайдо бўлмоқда.

Бизнинг давримизда Европадаги тинчлик ва хавфсизлик бўлинмас эканлигини, улардан бирини танлаб олиш мумкин эмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Кескинликни юмшатиш сиёсатига қарама-қарши кўйса бўладиган бирон бир бошқа сиёсат йўқ, кескинликни юмшатиш сиёсати, ўзларининг ижтимоий системаларидан қатъий назар ҳамма давлатларга баб-баравар зарурдир. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ўзларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамма ҳаракатларида шунга қаттиқ ва доимо амал қилиб келмоқдалар.

Эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида халқаро кескинликнинг юмшатилишига мўқаррар тус берилишига интилиш зарур. Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан шу пайтгача қабул қилинган халқаро мажбуриятларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бу мажбуриятларнинг бузилишга йўл қўймаслик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг янги марралари сари доимо олга силжиш, эҳтимол тутилган жанжал манбаларини тугатиш йўлларини биргаликда қидириш керак.

Бу эса Умумевропа кенгашида қатнашган барча давлатларнинг Хельсинкида келишиб олинган принциплар руҳида ички ишлик билан иш кўришларини, қитъадаги ҳарбий мухолифликни камайтириш ва қуролсизланиш чоралари кўрилишига ёрдам бериш-ларини талаб қилади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шунга ҳам аминдирларки, 1971 йил 3 сентябрида тўрт томонлама битимнинг қатъият билан бажарилиши, Ғарбий Берлиннинг алоҳида статусига путур етказиш йўлидаги ва бу шаҳардан ГДРга ҳамда бошқа социалистик мамлакатларга душманлик мақсадида фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишдан воз кечиш — Ғарбий Берлиннинг Европа ҳамкорлиги конструктив омилига қадам-бақадам айлана борғ-ши, унинг аҳолиси эса кескинликни юмшатиш ва тинч турмушнинг ҳамма самараларидан баҳраманд бўла олиши учун энг зарур шартдир. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шу маънода Ғарбий Берлин билан ҳар томонлама алоқаларни давом эттириш ва ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирадилар.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари ҳисоблайдиларки, Кипр проблемасини Кипр республикасининг суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлигини таъминлаш асосида бартараф этиш учун сарфланаётган куч-ғайратларни кўпайтириш зарур. Кипр территориясидаги ҳамма ажнабий қўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак, мамлакатнинг ички проблемаларини эса кипрликларнинг ўзлари ҳам грек, ҳам турк жамоаларининг манфаатларини муносиб равишда ҳисобга олиб ҳал этишлари лозим. Умумевропа кенгашининг Якунловчи акти руҳи ва ҳарфига амал қилинадиган бўлса, Кипр проблемасини шундай асосда тез-роқ бартараф этишдан Европадаги ва бошқа қитъалардаги ҳамма давлатлар манфаатдор бўлишлари керак.

Кенгаш қатнашчилари бутун Европада ва унинг айрим қисмларида давлатлараро яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш йўлидаги қадамларни қўллаб-қувватлай берадилар, бу қадамларни қитъадаги ялпи хавфсизлик ишига қўшилган ҳисса деб ҳисоблайдилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар яхлит бир ҳужжат бўлмиш Якунловчи актнинг ҳамма қоидаларига бекаму-кўст риоя этишга ва бу қоидаларни амалга оширишга аҳд қилганликларини тасдиқлайдилар. Улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган бошқа ҳамма давлатларга мурожаат қилиб, уларни ҳам худди шундай қилишга чақирадилар.

Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг 1977 йилда Белградда бўладиган учрашуви Якунловчи актда белгиланган вазифаларни ҳал этишда давлатлар ҳамкорлигининг ижобий тажрибаси тўғрисида фикрлашиб олиш ҳамда Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш, кескинликни юмшатиш жарёнини келгусида ривожлантириш мақсадида бундан буён сарфланадиган куч-ғайратлар тўғрисида кўп томонлама асосдаги фикрлашуварни давом эттириш имконини беради.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари Европадаги вазият ривожининг истиқболлари бундан буён ҳам тараққий эта беришига ишониб, бу истиқболларга умидворлик билан қарайдилар. Улар шунга аминдирларки, милитаризм ва реакция кучларининг қаршилигига қарамай, давлатларнинг тинч ва тинчликсевар Европани барпо этишда биргаликда сарфлаётган куч-ғайратлари Европадаги ҳамма халқларнинг манфаатларини йўлида, бу халқлар ҳар қандай хавф-хатардан ёки уларнинг хавфсизлигига бўладиган ҳамлалардан муҳофаза этиладиган шароитларни вужудга келтириш манфаатлари йўлида давом эттирилиши мумкин ва давом эттирила беради.

II.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишни амалга ошириш, аввало ядро қуролини тарк этиш, жаҳон уруши хавфини йўқотиш ҳозирги замоннинг энг ўткир ва асло кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Шундай қилмай туриб халқаро муносабатлар ривожидаги ижобий тенденцияларни ҳақиқатан ҳам муқаррар тус олдириб бўлмайди, дунёда чинакам хавфсизликни таъминлаб бўлмайди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар халқларининг қуролланиш пойгаси тобора кенг миқёсда давом этаётганлиги хусусидаги хавотирлигига қўшиладилар. Урушга тайёргарлик кўриш учун жуда катта маолар сарф бўлмоқда, оммавий қирғин қуролининг вайронгарчилик қуввати ошмоқда. Европа қитъасида замонавий қурол-яроғларнинг, шу жумладан ядро қуролларининг ҳамда қуролли кучларнинг энг кучли арсенали тўпланган, ажнабий ҳарбий базалар ҳамон мавжуд бўлиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси учун империализмнинг энг агрессив доиралари, жаҳон реакцияси жавобгар эканлигини, уларнинг сиёсати қуролланиш пойгасини баттар кучайтираётганлигини ' халқлар равшан кўришлари лозим. Бизларнинг мамлакатларимиз ўз қуролли кучларини мустаҳкамлаш чораларини кўришга, жуда муҳим маблағларни халқ хўжалигидан, социалистик ва коммунистик қурилишнинг бунёдкорлик мақсадларидан чалғитишга мажбур бўлаётган эканлар— бунда улар ўз халқларининг тинч меҳнатини мустаҳкам ҳимоя қилиш, милитаризм ва уруш кучларини жиловлаш манфаатларинигина кўзлайдилар.

Мамлакатларимиз қуролланиш пойгасининг эътиқодли душманларидирлар, шу сабаби улар инсоннят олдида турган бу муҳим вазифани ҳал этишда барча давлатлар билан актив, самарали ҳамкорлик қилиш истагида эканликларини ва қилишга тайёр эканликларини билдирадилар. Биз — қурол-яроғларнинг тўплаб қўйилган запасларини қисқартиришга эришиш, қуролсизланишга ўтишни таъминлаш учун реал шарт-шароитлар мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Халқларнинг тинчликка, ҳарбий қаршима-қаршиликни ва уруш хавфини халқаро ҳаётдан ситиб чиқаришга кенг миқёсда интилаётганлиги, ҳар қандай ҳарбий можаро ядро катаклизмига айланиб кетиб, фалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ядро асри реалликларининг ўзи — ана шундай шарт-шароитлардир. Шу сабабли қуролланиш пойгасини жиловлашга, унинг соҳаларини чеклашга қаратилган амалдаги шартномалар ва битимларга қатъий риоя этилиши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатларимиз қардош партиялари съездларининг ҳужжатларида, Европа коммунистик ва ишчи партиялари конференциясининг Якунловчи ҳужжатида қуролсизланиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашнинг кўпгина масалалари белгилаб берилган. Бошқа давлатлар, турли жамоат доираларининг вакиллари ҳам бу соҳада амалий ғоллар билан майдонга чиқдилар. Бугунги энг муҳим масала мавжуд ташаббусларни амалий йўлга қўйишдан, қуролланиш соҳасида ҳаммаларнинг зиммасига масъулият юклайдиган самарали халқаро аҳдномаларга эришиш йўлида олға силжишдан иборат.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида вакиллари қатнашган давлатлар шуни эслатиб ўтадиларки, Умумевропа кенгашининг ҳамма қатнашчилари ҳарбий қаршима-қаршиликни камайтиришга ва қуролсизланишга кўмаклашишга қаратилган куч-ғайратлар Европада сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатишга қўшимча бўлиши ва ўзларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаши лозим деб ҳисоблаб, бу йўлда куч-ғайрат сарфлашдан манфаатдор эканликларини эътироф этдилар. Варшава шартномаси давлатлари ана шу ялпи манфаатдорликни моддийлаштиришга кўмаклашиш муддаосига амал қилиб, кейинги вақтларда Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокараларда тараққиётга эришишга қаратилган янги ташаббусларни бошладилар. Улар бу музокараларга муҳим аҳамият бермоқдалар ва ҳаммага мақбул аҳдномани ишлаб чиқиш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлашга тайёрдирлар. Башарти музокаларларнинг ҳамма қатнашчилари Европадаги ҳамма давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, томонларнинг биронтаси хавфсизлигига зарар етказмаслик тўғрисида келишиб олинган принципига амал қилсалар, бундай аҳдномага эришиш мумкин эканлигига Варшава шартномаси давлатлари аминдирлар.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари Марказий Европада ҳам, шунингдек бутун Европа қитъаси миқёсида ҳам қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш жараёни тинимсиз ривожланиш характерини касб этиши лозимлигини қатъиян ёқлаб чиқадилар. Бунда гап милий қуролли кучлар тўғрисида ҳам, шунингдек ўзгаларнинг территорияларида турган қўшинлар ҳақида ҳам бораётир.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ядро қуроллари пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини қисқартириш ва тугатиш, унинг синовларини батамом ва ёппасига тақиқлаш лозим деб ҳисоблайдилар. Улар—атом энергиясн халқаро агентлиги белгилаб берган нормаларга биноан ҳеч бир камситишсиз барча давлатларнинг самарали халқаро контрол остида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдалана олиши шароитида атом қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш тарафдоридирлар.

Улар ядро уруши хавфини йўқотиш соҳасида янги самарали қадам қўйиш муддаосига амал қилиб, якунловчи актни имзолаган барча давлатларга шу мақсадга эришиш учун бир-бирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатмаслик тўғрисидаги шартномани қабул қилишни таклиф этадилар ва бу таклиф ижобий кутиб олинишига умид қиладилар.

Улар химия қуролини ташқилаш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва янги системалари яратилишини тақиқлаш ҳақида халқаро аҳднома зарур деб ҳисоблайдилар.

Улар қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида битимлар тузилишида, ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларни тугатиш ва бошқа давлатлар территорияларидаги ажнабий қўшинларни олиб чиқиб кетишга, турли районларда тинчлик зоналарини вужудга келтиришга, давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартиришга эришиш учун халқаро миқёсда янги куч-ғайратлар сарфланишига катта аҳамият берадилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан БМТ доирасида ва бошқа халқаро анжуманларда амалий музокаралар олиб боришга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар. Улар қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси йўлидаги биринчи босқич сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган махсус сессияси чақирилишини талаб қиладилар.

Халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида жаҳон шартномасининг тузилиши халқаро кескинликни юмшатишни кучайтириш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишида олға томон қўйилган катта қадам бўлади. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига тақдим этилган ана шу шартнома лойиҳасини умумий бир доирага келиш учун яхши асос деб ҳисоблайдилар. Улар шартнома лойиҳасининг конкрет қоидаларда бағишланган музокараларда қатнашишга ва уни бошқа манфаатдор давлатлар билан бирга имзолашга тайёрдирлар.

Халқаро муносабатларни ҳар томонлама нормаллаштириш манфаатлари дунёнинг қарама-қарши ҳарбий блокларга бўлиниши бартараф этилишини талаб қилади. Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотини тарқатиб юбориш билан айни бир вақтда Варшава шартномаси ташкилотини тарқатиб юборишга ва биринчи қадам сифатида — уларнинг ҳарбий ташкилотларини тугатишга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар. Улар ҳамма давлатларга мурожаат қилиб, мавжуд бекик ҳарбий гуруҳлар ва ҳарбий-сиёсий иттифоқларни кенгайтиришга ёки янгиларини тузишга олиб бориши мумкин бўлган ҳаракатларни қилмасликка чақирадилар. Варшава шартномасининг янги давлатларни қўшиш йўли билан қатнашчилар доирасини кенгайтиришга йўл қўйиладиган 9-моддаси ва Шимолий Атлантика шартномасининг худди шу мазмундаги 10-моддаси амал қилишини айни бир вақтда тўхтатиб қўйиш ёки бўлдирилиши мумкин бўлур эди. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бу масала юзасидан тегишли музокаралар бошлашга тайёрдирлар. Улар Европадаги ҳарбий қаршима-қаршиликни аста-секин бўшатиш, можароли вазиятлар тасодифан келиб чиқиш хавфини камайтириш соҳасидаги бошқа ҳар қандай таклифларни эътибор бериб кўриб чиққан бўлур эдилар.

Шу билан бирга, модомики НАТО блоки яшаб турган ва ўзининг ҳарбий потенциалини кучайтираётган экан, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ўз халқларининг мустаҳкам хавфсизлигини доимо таъминлаб туриш учун шартнома доирасидаги барча зарур чораларни кўра беради.

III

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Европадаги барча мамлакатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорликнинг ҳар тарафлама кенгайтирилиши, қитъада тинчлик пойдеворини мустаҳкамлашнинг тўғри йўли эканлигига ишонч билдирадилар. Бу йўлда ҳозиргача кўпгина ютуқларга эришилди.

Европа қитъасидаги давлатлар ўртасида, шу жумладан ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан кўра юксак даражада турибди. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, савдо, саноат, фан, техника соҳасидаги алоқаларнинг ривожлантирилиши барча давлатларнинг манфаатларига мувофиқ бўлиб, иқтисодий тараққиётнинг, ҳар бир халқ турмуши шароитини яхшилашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шундай бўлса ҳам бу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлидаги барча имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бунинг устига иқтисодий алоқаларни бир давлатнинг иккинчи давлатга сиёсий таъйиқ ўтказиш қуролига айлантиришга уринишлар ҳам тез-тез содир бўлмоқда. Жумладан, баъзи капиталистик мамлакатларнинг социалистик мамлакатлар билан савдо ишларида «совуқ уруш» давридан мерос қолган камситувчи чеклашларни давом эттираётганликлари ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш учун мана шу сунъий тўсиқларни улоқтириб ташлаш, тенг ҳуқуқсизлик сарқитларини тамомила бартараф этиш керак. Умумевропа кенгашининг Якунловчи актида уни имзолаган барча давлатлар энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаш савдо-сотиқни ривожлантиришга самарали таъсир ўтказиши мумкинлигини эътироф этишгандир. Халқлар мана шу эътирофнинг ҳар икки томондан бажариладиган амалий ишга айланишини кутмоқдалар. Шунингдек Якунловчи актда Европадаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовутларидан келиб чиқадиган ўзига хос проблемалар эътироф этилганлигини ҳам назарда тутиш керак.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг иштирокчилари икки томонлама ва кўп томонлама асосда, шу жумладан ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация ҳамда ихтиёслаштириш, компенсацияли битим каби формалар орқали бошқа барча манфаатдор давлатлар билан узоқ муддатли ва кенг миқёсдаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашишга қатъий аҳд қилганликларини билдирадилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан, иккинчи томондан Европа иқтисодий ҳамжамияти ва Европа иқтисодий ҳамжамиятига қўшилган мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли савдосотиқ муносабатларини ўрнатиш уларнинг ўзаро манфаатларига мос бўлиб тушади.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Умумевропа кенгашининг Якунловчи актида кўрсатиб ўтилганидек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида Умумевропа миқёсида йирик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишини олға силжитишни муҳим деб ҳисоблайдилар. Жумладан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси доирасидаги халқаро ҳамкорлик тажрибасини ҳисобга олган ҳолда жуда яқин орада бу масалаларни Умумевропа миқёсидаги давлатлараро кенгашларда амалий тарзда қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар, манфаатдор мамлакатлар розилик берган тақдирда, энергетика бўйича давлатлараро кенгашнинг Москвада ўтказилишини таъминлашга Совет Иттифоқининг тайёр эканлигини табриклайдилар.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг иштирокчилари шуни назарда тутадиларки, Европада иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни жаҳон миқёсидаги иқтисодий алоқалардан ажралган ҳолда олиб бориш мумкин эмас. Кенгаш иштирокчилари адолатли демократик негизда барча катта ва кичик, социалистик ва капиталистик, ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги негизида халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуришни ёқлаб чиқадилар. Шу муносабат билан улар ривожланаётган ва қўшилмаган мамлакатлар илгари сурган халқаро ҳамкорлик программасининг принципал йўналишини қўллаб-қувватлайдилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилиши билан бирга маданият, илм-фан, маориф, информация соҳаларидаги ҳамкорликнинг, кишилар ўртасида алоқаларнинг кенгайтирилиши Европада сиёсий иқлимни янада яхшилашга ёрдам бериши лозим. Кейинги йилларда шу соҳада фойдали натижаларга эришилди. Умуман Умумевропа кенгашининг Якунловчи актида бўлган тегишли битимлар муваффақиятли амалга ошириб борилмоқда.

Бироқ муайян кучларнинг шу алоқаларни ривожлантиришдан халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстлик ишига терс мақсадларда, давлатларнинг ички ишларига аралашиш мақсадларида фойдаланиш пайидан бўлаётганликлари ҳам кўриниб қолди. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бу йўл истиқболсиз йўл, деб яна бир карра таъкидлашни зарур деб ҳисоблайдилар ва улар шу йўлни қатъиян рад этмоқдалар.

Умумевропа кенгашининг якуиловчи актида икки томонлама ва кўп томонлама негизда гуманитар соҳаларда кенг кўламда ҳамкорлик қилиш бўйича тузилган кўпдан-кўп аҳдномалар бор ва шундай имкониятларни рўёбга чиқариш шарт-шароитларини белгилаб беради. Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида вакиллари бўлган давлатлар ҳар бир мамлакат ҳақиқий маънавий бойликларни баҳам кўришда қатнаша олмоғи учун шу имкониятлардан тобора тўлароқ фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини оширш тўғрисида келишиб олишга тайёрдирлар. Шу мақсадларда, жумладан Умумевропа йўналидаги тадбирлар, шу жумладан — фестиваллар, конкурслар, виставкалар ва бошқа бадиий ва маданий тадбирлар ўтказилиши фойдали бўлур эди.

Оммавий информация воситаларидан қитъадаги тинчлик ва ҳамкорлик ишларига қарши фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий информация воситалари жамоатчиликни жаҳондаги воқеалар билан ҳаққоний равишда таништириш мақсадларига, халқларни бир-бирларига яқинлаштиришга хизмат қилмоғи ҳам зарур.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари гуманитар масалалар ҳал этилишига катта эътибор бериб, социалистик инсонпарварлик принципларига асосланадилар ва қитъадаги ҳамма аҳоли муносиб меҳнат ва турмуш шароитлари билан таъминланишига эришмоқни, ишсизликни тугатишни, фан, техника ва маданият ютуқларидан бемалол баҳраманд бўлишларини муҳим, деб ҳисоблайдилар.

Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш халқларнинг келгуси авлод тинчлик ва ҳамкорлик вазиятида яшаб олиши ва ўса олиши, ижодий куч ва имкониятларини тўла намоён қила олишига интилишлари билан чамбарчас боғланган. Айни шунинг учун ҳам ёш авлод тинчликни мустаҳкамлашда бевосита ва актив қатнашмоғи лозим. Кенгашда қатнашувчи давлатлар ёшларни инсонпарварлик, тинчлик ва тараққиёт идеаллари руҳида тарбиялашга ёрдам бера оладиган программаларни амалга оширишга алоҳида эътибор беришни муҳим, деб ҳисоблайдилар.

Ишга яхши ният билан тенг ҳуқуқли ёндошилганида кўп ишлар қилиниши мумкин. Бошқа мамлакатларнинг халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликка ҳақиқатан хизмат килувчи ҳамма ташаббусларини Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар маъқуллаб кутиб олажаклар.

IV.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари ўзлари вакили бўлган социалистик мамлакатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги ривожланаётганлигидан ғоят мамнун эканликларини изҳор этадилар. Уларнинг ўзаро муносабатлари ўзининг социал-сиёсий табиати, мақсад ва мазмуни жиҳатидан, уларнинг ўзаро қардошлик алоқалари Европадаги бошқа давлатлар билан бўладиган муносабатларга қарши қўйилмайди. Умумевропа кенгаши тажрибасининг тасдиқлашича, улар ўртасидаги бундай ҳамкорлик бутун Европа қитъаси кўламида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига тўла мос келади. Бундай ҳамкорлик тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг иқтисодий, маданий ва маънавий бойлигини ривож топтириш соҳасида Умумевропа ҳамкорлигини рағбатлантирувчи омилдир.

Социалистик тузум, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ишига садоқати муштаклиги билан бирлашган Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар марксизм-ленинизм ва интернационал бирдамлик, ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ўртоқларча ўзаро ёрдам принципари асосида ўзаро ҳамкорликни доимо мустаҳкамлаб боришга азми-қарор қилганликларини таъкидлайдилар.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашида қатнашувчи давлатлар бундан буён ҳам:

Европада тинчликни ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш масалаларида самарали ўзаро ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтиришга (ушбу кенгаш Варшава шартномаси ташқи ишлар министрлари комитети билан сиёсий маслаҳат комитети бирлашган секретарнатини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, жумладан, шунга хизмат қилади);

қардош халқлар сиёсий алоқаларини чуқурлаштириб боришга, шу шумладан парламент аъзоларининг, шунингдек жамоатчилик вакилларининг халқаро ҳаёт актуал проблемаларини муҳокама қилиш мақсадидаги маслаҳат учрашувларини бундан кейин ҳам ўтказиб туришга; социалистик ва коммунистик қурилиш борасида ўзаро информация ва тажриба алмашишни кенгайтиришга, давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ўртасида алоқалар ривожлантирилишига ёрдам бериш;

экономиканинг ҳамма соҳаларида, ўз халқларининг моддий ва маънавий фаровонлигини янада ошириш учун фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишда икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириб боришга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан биргаликда комплекс программа тобора тўла амалга оширилишига, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXX сессиясининг узоқ муддатли тармоқ программаларини биргалашиб ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисидаги қарорлари бажарилишига ёрдам бериш (социалистик мамлакатлар космонавтларининг совет космик кемалари ва станцияларида 1978—1983 йилларда ўтказилиши мўлжалланган биргалашиб учишлари фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик даражаси юксаклигининг яққол ифодаси бўлади);

маданият, адабиёт ва санъат бойликларини айирбошлаш соҳасидаги ҳамкорликни, ижодий союзлар, биродарлашган областлар ва шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, туристик алоқалар, гражданлар ўртасидаги мулоқатлар кенгайтирилишини рағбатлантиришга маҳкам бел боғлаганлар.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари ўз мамлакатларининг ҳар бири Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлмаган социалистик давлатлар билан ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашга аҳдупаймон қилганликларини билдирадилар. Улар барча социалистик мамлакатларнинг бирдамлиги ҳар бир социалистик мамлакат ва умуман жаҳон социализм системасининг манфаатларига, ялпи тинчлик ва тараққиёт манфаатларига мос бўлиб тушишига ғоят амин эканликларини изҳар этадилар.

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румния Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси делегациялари ҳаммани қизиқтирувчи бошқа халқаро масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

Улар Ҳинди-Хитой халқларининг тарихий ғалабаларини табрикладилар. Кенгаш қатнашчилари бирлашган социалистик Вьетнам, бошқа қардош давлатлар билан биргаликда Осиё қитъасида ва бутун дунёда халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашига салмоқли ҳисса қўшаётганлигидан мамнун эканликларини билдирадилар. Улар социалистик жамият негизларини бунёд этишга киришган Лаос Халқ Демократик Республикаси барпо этилганлигини, шунингдек демократик Кампучия тузилганлигини табриклайдилар.

Кенгашда вакиллари қатнашаётган давлатлар Корея Халқ Демократик Республикасининг четдан бирон аралашувсиз мамлакатни тинч демократик бирлаштириш йўлини, Жанубий Кореядан барча ажнабий қўшинлар олиб чиқиб кетилиши тўғрисидаги талабни қўллаб-қувватлайдилар.

Кенгаш катнашчилари ўз мамлакатлари бундан буён ҳам социалистик йўлни танлаб олган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатликни ривожлантириб боришга қатъий ният қилганликларини таъкидлайдилар. Социализм мамлакатлари ва социалистик йўлни танлаб олган давлатлар янги жамият қуриш формаларини танлаб олишда бўлиши мумкин бўлган ҳамма тафовутларга қарамай, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашда табиий иттифоқчилар ҳисобланадилар.

Жаҳон ишларида Осиё, Африка, Латин Америкасидаги ривожланаётган давлатларнинг роли ошиб бораётганлиги мамнуният ҳис-туйғулари билан таъкидланади. Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Коломбода ўтказилган V конференцияси халқаро ҳаётда бу мамлакатлар ижобий роль ўйнаётганлигини яна бир бор намойиш қилди. Кенгашда вакиллари иштирок этаётган давлатлар империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда шу мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтиришга қатъий аҳд қилганларини таъкидлайдилар. Буидай бартараф этиш 1967 йилда босиб олинган араб территорияларидан ҳамма Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилишини, Фаластин араб халқининг ажралмас ҳақ-ҳуқуқлари, шу жумладан унинг ўз давлатини тузиш ҳуқуқи, можарода қатнашувчи ҳамма давлатларнинг, шу жумладан Исроилнинг мустақил яшаш ҳуқуқи таъминланишини, тегишли араб давлатлари билан Исроил ўртасида уруш ҳолатининг тўхтатилишини тақозо этади, деган яқдил фикрдадирлар. Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференцияси кун тартибини шу масалалар ташкил қилмоғи лозим, конференция Фаластин озодлик ташкилотини ҳам қатнаштирган ҳолда яқин фурсатда ўз ишини яна бошлаб юбормоғи зарур. Яқин Шарқ можароси бартараф этилиши мумкин ва лозим. Шу райондаги ҳамма халқларнинг манфаатлари, ялпи тинчлик манфаатлари буни тақозо этади.

Кенгаш қатнашувчилари Ливандаги вазият ҳеч кечиктирилмай нормаллаштирилишини ливанликлар ўз мамлакатларининг ҳамма ички проблемаларини четдан ҳеч бир давлат аралашмагани ҳолида ўзлари тинч йўл билан ҳал этишлари ва бунда Фаластин озодлик ташкилоти вакили бўлмиш Фаластин қаршилик ҳаракатининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари тегишлича ҳисобга олинишини қатъий талаб қилмоқдалар.

Улар Зимбабве, Намибия ва Жанубий Африка халқларининг ирқчи режимлар, апартеид ҳамда эски ва янги мустамлакачилик фитналарига қарши, мустамлакачилик ва ирқчиликни тугатиш тўғрисида БМТ қабул қилган қарорлар бажарилиши учун фидокорона курашига бундан буён ҳам мадад ва ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини ўз давлатлари ва халқлари номидан таъкидлайдилар.

Инсониятнинг барча прогрессив кучлари билан бирга социалистик давлатлар Чили халқининг Чилида қонуний конституцион тартибот қайта тикланиши учун, Чили халқининг атоқли фарзанди Луис Корвалан ва бошқа сиёсий маҳбуслар озод этилиши учун қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлаб, баралла овоз берадилар.

Кенгаш қатнашчилари тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда халқаро ишчилар ҳаракати ва барча жамоатчилик кучлари катта роль ўйнаётганлигини қайд этадилар. Кенгаш қатнашчилари Европада ва бутун дунёда мустаҳкам тинчликни бунёд этиш йўлида барча прогрессив ва демократик ҳаракатлар билан, барча тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрликларини таъкидлайдилар.

* * *

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румния Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси:

халқаро кескинлик юмшатилишини чуқурлаштириш учун, «совуқ уруш» сарқитларп ўзил-кесил тугатилиши учун, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантири

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ВА 1977 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат К. П. ДУДИН нутқи

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Тошкент шаҳрининг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Совети сессияси ҳужжатларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Сессия 1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат беш йиллик планини, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат планини ва 1977 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади. Республика пойтахтида партия XXV съезди, янги беш йиллик план режаларини бажариш учун социалистик мусобақа янада авж олдириб юборилди.

Беш йилликнинг биринчи йилида Тошкент халқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Шаҳардаги саноат корхоналарининг коллективлари ўн бир ойлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш планини бажарганликлари тўғрисида барвақт рапорт бердилар ва шу йил пландан ташқари юз миллион сўмлик маҳсулот беришга аҳд қилдилар.

Бир қанча корхоналар техника жиҳатидан қайта қуроллантирилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Бу парса трактор, экскаватор, терим машиналари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон беради. Тошкент Октябрнинг 60 йиллиги кунигача метронинг 12 километр узунликдаги биринчи линиясига эга бўлади. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида тошкентликлардан ўн мингга яқин оила янги уйларга кўчиб киради. Янги болалар боғчалари ҳамда соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, коммунал хизмат ва савдо-сотиққа таалуқли бошқа кўпгина объектлар қурилади.

Айни маҳалда қилинган ишлар ҳозир партия ўртага қўйётган вазифалар даражасига тўла йўсинда мос эмаслигини ҳам биламиз. Ишимизда камчилик ва нуқсонлар ҳам борки, булар учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика Министрлар Советини ишонтиришга руҳсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Д. ҲАСАНОВ нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг бешинчи сессияси қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқида партия XXV съезди ишлаб чиққан коммунистик бунёдкорлик вазифаларини амалга ошириш асосий йўллари аниқ белгилаб берилди.

Бугун биз Андижон областининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик биринчи йилини муваффақиятли тугаллаётганликларини фахрланиб айта оламиз. Область саноати маҳсулот реализация қилиш ўн бир ойлик планини муддатидан 15 кун аввал бажарди. Бинокорлар ҳам иш суръатларини муттасил ошириб бормоқдалар. Улар меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг маблағлари ҳисобига қурилаётган уй-жой, мактаб, болалар боғчаси ва касалхонаси барпо этиш планини муваффақиятли бажаряптилар.

Область қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Улар қариб ҳамма хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирди ва давлатга сотиш планларини ошириб бажардилар. Пахтакорлар мўл ҳосил етиштирдилар ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар.

Ички резервлар ва имкониятлардан тўларок фойдалана олганимизда муваффақиятларимиз бундан ҳам катта бўлишини биламиз. Областда планларни бажаролмаётган, бир қанча кўрсаткичлар бўйича орқада қолаётган корхоналар, колхозлар ва совхозлар ҳам бор. Капитал қурилишда ҳам каттакатта камчиликларни учратамиз. Биз ушбу сессияда областимиз шаънига айтилган танқидий мулоҳазалардан амалий хулосалар чиқариб оламиз.

Сессияда қилинган докладларга кўра, Ўнинчи беш йилликда Андижон областининг меҳнаткашлари саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1 миллиард сўмгача, пахта тайёрлаш ҳажмини эса 700 минг тоннагача етказишлари керак. Шу вазифани муваффақиятли ҳал этилмоғи учун иш услубидаги эйрим нуқсонлардан ҳоли бўлмоқ зарур. Масалан бултурги йилнинг ўзидагина турли министрликлар областдаги 38 корхона планларига тузатишлар киритишдики, бунинг оқибатида йиллик ялпи ишлаб чиқариш ҳажми контроль рақамларда кўзда тутилганидан оз бўлди. Бу йил ҳам шу каби тузатишлар давом эттирилмоқда. Бу корхоналарнинг бир маромда ишлашига ҳалақит бермоқда.

Область меҳнат ресурслари кўпайганлиги муносабати билан бу ерда тезроқ янги саноат корхоналари барпо этиш, бир қанча завод ва фабрикаларнинг филиалларини очиш зарур. Маиший хизмат, уй-жой, коммунал объектларга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети киритган 1976—1980 йилларда республика халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плана лойиҳаси билан 1977 йилги план ва бюджет лойиҳаларини план бюджет комиссияларининг тузатишлари билан тасдиқлаш тўғрисида бу ерда айтилган таклифларга мен ҳам тамомила қўшиламан. Андижон областининг меҳнаткашлари мана шу планларни ҳамма кўрсаткичлар бўйича шараф билан бажармоқ учун куч-қувватларини аямайдилар. **(Қарсаклар).**

Депутат С. Т. ТОШҚУЛОВ нутқи

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг бешинчи сессияси қарорларида мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифалари белгилаб берилган. Тошкент областининг меҳнаткашлари бу вазифаларни ўзларининг жанговар иш программалари деб қабул қилиб олдилар. Эришилган катта меҳнат ғалабаси — Ўзбекистон ССР давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни бажариши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси меҳнаткашларнинг шавқ-завкини ва ифтихор ҳис-туйғуларини ошириб юборди.

Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш — мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Область партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ўзларининг бутун ташкилотчилик ишларини ана шу вазифани бажаришга қаратмоқдалар.

Область саноати маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан ўн ойлик плани муддатидан илгари бажарди. Бу йиллик социалистик мажбуриятлар ҳам муваффақиятли бажарилиши учун астойдил ишонишга имкон беради. Саноат ишининг сифат кўрсаткичлари — фондларнинг самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг таннархи ҳам кишини қувонтиради.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилини ажойиб зафарлар билан якунламоқдалар. Пахта, каноп, ғалла, мева, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, узум, картошка, пилла ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилди. Область чорвачиликнинг барча кўрсаткичлари бўйича социалистик мажбуриятларни йил охирига қадар ортиғи билан бажаради.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш бундан кейин ҳам энг муҳим резервлардан бири бўлиб колади. Афсуски, сабзавот ва картошка етиштириш учун ўсонирча меҳнат сарфи юқорилигича колмоқда. Конструкторлик бюролари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ишларини активлаштириш керак. Улар янги самарали машиналарни ишлаб чиқишлари ва сабзавотчиларга таклиф этишлари зарур. Республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси колхозлар, совхозларнинг тракторларга ва қишлоқ хўжалиги машиналарига бўлган буюртмаларини кондириш юзасидан кескин тадбирларни кўришлари керак.

Ўнинчи беш йиллик республикада пахта етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан олдимизга жиддий вазифаларни қўймоқда. Пахта етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервларидан бири пахта уруғчилигини тубдан яхшилашдан иборатдир. Область партия комитети ва область ижроия комитети мазкур масала юзасидан муҳим тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Чорвачиликни ривожлантиришда сезиларли ўсишга эришилди. Лекин, бироз ушбу беш йилликда эришилган марралардан анча ўзиб кетишимиз керак. Ҳозир областда наслчилик ишини яхшилаш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда, бу яқин йиллар ичида чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишда янги қадам қўйиш имкониятини беради.

Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумида Ўрток Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқидан, ССР Иттифоқи Олий Советининг бешинчи сессияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарорларидан келиб чикадиган вазифаларни тўла-тўкис ва батамом бажариш учун зарур бўлган хамма ишни киладилар, деб сессияни ишонтиришга нжозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат В. У. УСМОНОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРИ

Республика пахта тозалаш саноатининг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети бешинчи сессияси қарорларини тўла-тўкис маъқуллайдилар, бу йилги ва умуман беш йиллик план ҳамда социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун ҳамма ишларни киладилар. Пленум қарорлари, Леонид Ильич Брежнев нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар— ишлаб чиқариш коллективларининг муқобил планларини ва оширилган социалистик мажбуриятларини юзага чиқариш соҳасидаги ҳаракат программасидир.

Республика пахтачилари шунга асосланадиларки, мамлакат тўқимачилик, ёғ, химия саноати ва бошқа саноат тармоқларининг фаолияти, халқимиз учун юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига маҳсулот етказиб берилиши кўп жиҳатдан бизнинг муваффақиятли ишлашимизга боғлиқ бўлади.

Пахта тозалаш саноати министрлигининг минглаб ишчи ва хизматчилари номидан бу йилги машаққатли шароитларда меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатиб, давлат хирмонига 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» топширган республика қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчиларига чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ҳозирги вазифа — мўл ҳосилни ҳеч нобуд қилмай қайта ишлаб, ундан юқори сифатли маҳсулот тайёрлашдан иборат. Пахта заводларни янги техника билан таъминлаш, илғор технологияни жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, илғор тажрибани баҳам кўриш туфайли биз бу вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оламиз. Фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Қувватлардан тўла-тўкис фойдаланиш ва ҳамма корхоналарнинг кўрсаткичларини илғор корхоналар даражасига етказиб олиш — шундай резервларнинг биридир. Чунки ҳали асбоб-ускуналарнинг бўш туришига, технология интизомини бузишга, нормативдан ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг айрим корхоналарида кадрлар қўнимсизлиги ҳамон юқори даражада турибди.

Министрлик ўнинчи беш йиллик учун ташкилий-техникавий тадбирларнинг комплекс палинни ишлаб чиқди. Бу планда капитал қурилиш, техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари ҳисобга олинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки натижаларга эришилди: чунончи 10 та пахта заводидаги линтер цехлари реконструкция қилинганлиги линт ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва чигитда тук қолишни камайтириш имконини берди. Пахтани йирик хас-чўплардан тозалайдиган механизмлар, пахтани қуритадиган ва икки карра тозалайдиган агрегатлар асосан ўрнатиб бўлинди. Нагичка толали пахтани қайта ишлаш қувватлари ана кўпайтирилди. Натижада тармоғимиз маҳсулот реализация қилиш планини муддатидан илгари бажармоқда.

Тармоқни ривожлантиришнинг айрим масалалари тезроқ ҳал этилганда, бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришиш мумкин бўлур эди. Жумладан, олимлар ва конструкторлар тайёрлов пунктларини механизациялаш билан самаралироқ шуғулланишлари керак. Тайёрлов пунктларининг қуритиш, тозалаш цехларини ва омборхоналарни қуриш учун маблағ етишмаяпти. «Ўзхлопкомаш» бирлашмасининг заводлари юқори сифатли асбоб-ускуналари ҳам оз етказиб бермоқдалар. Пахта тозалаш машинасозлигини жадал ривожлантириш чоралари кўрилиши керак.

Пахта тозалаш корхоналарининг коллективлари бу йилги планларни ва умуман беш йиллик планини бажариш, КПСС XXV съезди режалари рўёбга чиқарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма ишни киладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат С. Х. ҲАМРОҚУЛОВ нутқи

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси кўриб чиқаётган Ўнинчи беш йилликда ва 1977 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва Ўзбекистоннинг бюджетида КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари ўз ифодасини топган бўлиб, республика равнақининг янги истиқболлари очилади. КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи, тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессияси коммунистик бунёдкорликнинг ҳозирги босқичида давлатимизни янада ривожлантиришнинг етилган вазифаларини ленинчасига донолик ва башорат билан белгилаб берди.

Самарқанд областининг меҳнаткашлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, ўнинчи беш йиллик биринчи йили оширилган мажбуриятларини бажариш учун аўр ғайрат билан курашмоқдалар. Область саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ўн бир ойлик планини барвақт бажардилар. Мисли кўрилмаган кўп пахта берган пахтакорларимиз беш йиллик биринчи йилини айниқса зўр муваффақиятлар билан нишонладилар. Катта меҳнат ғалабаси — республика давлатга пахта сотиш социалистик мажбуриятини бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган самимий табрикномаининг қизғин сўзлари мана шу кишиларга айтилган.

Шу йил Ватан Самарқанд области меҳнаткашларидан икки йиллик планга баравар дон, жуда кўп сабзавот, ҳўл мева, узум, картошка олди. Пилла етиштириш мажбуриятлари ҳам анча ошириб бажарилди. Бултурги йилнинг шу даврдагига нисбатан кўп гўшт, сут, тухум, тамаки ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрланди.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини чаққон ҳал этишгилар. Сайлов округларида депутатларнинг фаолияти анча активлашди. Маҳаллий Советларнинг юзлаб депутатлари беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш учун курашга қўшилиб, 1977 йил ҳисобидан ишлаяптилар, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40-60 центнергача етказдилар.

Айни маҳалда бизда экономика ва маданиятни ривожлантиришда камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Бир қанча корхоналар планларни бажармаяпти, маҳсулот сифатини яхшиламаяпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасидаги катта-катта резервлардан афсуски, ҳамиша ҳам тўла-тўкис фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Биз шу камчиликларни йўқотиш чораларини кўряпмиз.

1977 йилги халқ хўжалик планида область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида катта-катта чоралар кўриш кўзда тутилган. Шу сабабли таклифларимизнинг яна кўриб чиқилишини, шунингдек капитал қурилишга қўшимча маблағ ажратилишини сўраймиз.

Ўнинчи беш йилликда ва 1977 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш планлари ҳамда республиканинг 1977 йилги Давлат бюджети лойиҳалари республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш, совет кишилари фаровонлигини ошириш вазифаларига мос келади.

Самарқанд областининг меҳнаткашлари ўз олдиларига турган вазифаларни шараф билан бажарадилар ва шу билан коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун кураш ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишончим бор. Партия, совет, касаба союзлари, барча меҳнатчилари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида бундан бўён ҳам тинимсиз курашаверадилар.

Областимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш беш йиллик мобайнида 2 баравардан зиёд, асосий фондлар 1.5 баравар, саноатдаги меҳнат унумдорлиги 40-45 процент кўпаяди. «Карши строй» бошқармасида 850 миллион сўм, яъни тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан сал кам 1.6 баравар кўп маблағ ўзлаштирилиши лозим. Енгил саноатнинг 12 та корхонасини қуриш мўлжалланган.

Областда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми беш йил ичида 14-17 процент, меҳнат унумдорлиги эса 27-30 процент ошириладик. Планда пахта етиштиришни 1975 йилдаги 355 минг тоннадан 1980 йилда 525 минг тоннага етказиб, деярли 1.5 баравар ошириш кўзда тутилган. Биз эса, пахта етиштиришни 1980 йилга бориб 650 минг тоннага етказиш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Қашқадарё области даги келгир депутатларнинг фикрича, 1976-1980 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш давлат беш йиллик планининг, республика халқ хўжалигини ривожлантириш 1977 йилги Давлат плани ва бюджетининг муҳокама қилинаётган лойиҳалари Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш манфаатларига тўлатўкис мос келади. Тақдим этилган қонун лойиҳаларини маъқуллаш ва қабул қилишни таклиф этаман. Шу билан бирга Қашқадарё областининг маркази — Карши шаҳрини ривожлантиришга кўпрок эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

Қўриқ Қашқадарё меҳнатчилари КПСС XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни ҳал этишга муносиб ишонтиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. ҲАСАНОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ЎЧҚЎРҒОН РАЙОН КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Сессиямиз халқимиз КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини эгиш-масдан амалга ошираётган кунларда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган чуқур сермаазмун нутқи, СССР Олий Совети сессиясининг ҳужжатлари совет кишиларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди.

Наманган областида кейинги йилларда катта-катта саноат корхоналари қурилди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ўсди. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун имкониятлар бор. Шоҳи газламалар комбинатининг иккинчи навбатини ишга туширишни тезлаштириш, шунингдек район марказларида қурилаётган фабрикалар ва саноат корхоналарининг филиаллари ҳисобига яқин йиллар мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1 миллиард сўмга етади .Бунинг учун ишчи кучлари етарлидир. Шунинг учун биз келгуси йилларда областимизда саноат корхоналари қурилишини янада кенгайтиришнинг кўзда тутилишини сўраймиз.

Кўпдан-кўп сув хўжалиги иншоотлари қурилиши туфайли экин майдонларимизнинг асосий қисми сугориладиган сув билан таъминланган. Агар ана шу ресурслардан тўғри фойдаланилса, ўнинчи беш йиллик мобайнида кўпгина янги ерларни ўзлаштириш ва пахта етиштиришни 450-500 минг тоннага етказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятини туғилади.

Ўчқўрғон районининг меҳнаткашлари хўжалигининг барча тармоқлари бўйича тўқизинчи беш йиллик планини ортиғи билан бажардилар. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини ҳам муваффақиятли равишда якунламоқдалар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўн бир ойлик плани муддатидан илгари бажарилди. Пахта етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўчқўрғон районининг пахтакорлари бу йил шаҳарликларини, студентларни ва ўқувчиларни жалб этмасдан пахта йиғим-терим кампаниясини ўтказиш ташаббускори бўлиб майдонга чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан бу ташаббуснинг маъқулланиши колхозлар ва совхозларнинг коллективлари кучига янги куч қўшди, хусусан пахта терадиган машиналарнинг механик ҳайдовчиларини илҳомлантириб юборди. Биз бу йил ёрдамга бирор кишини ҳам чақирмадик, ҳосилнинг 90 процентини машиналарда йиғиштириб олдик. Районимизда ерларни яхшилаб текислаш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ва суғоришни оқилона ташкил этиш пахтачиликни янада ривожлантиришнинг резервидир. Биз ана шундай ерлардан қариб 10 минг гектарини беш йиллик мобайнида яхшилаб текислашда ёрдам берилишини сўраймиз.

Намангана областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириб, халқимизнинг фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун барча тадбирларни кўрадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат О. ҚУРБОННИЁЗОВ нутқи

ҚЎҢИРОТ РАЙОНИДАГИ ЧАПАЕВ НОМЛИ СОВХОЗ ДИРЕКТОРИ

Биз муҳокама қилаётган 1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат беш йиллик плани ва 1977 йилги план, шунингдек республиканинг 1977 йилги бюджети лойиҳалари Ўзбекистон экономикасини мустаҳкамлаш, халқ турмуш даражасини янада ошириш учун кенг истиқболлар очиб беради.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, шу кунларда зўр ватанпарварлик шижоати билан ишламоқдалар. Улар партия ва Ватанга берган сўзлари устидан шараф билан чиқдилар — бу йил тайёрлов пунктларига 370 минг тоннадан кўпрок «оқ олтин» етказиб берилди. Ана шу ҳосилнинг ярмидан кўпроги машиналар билан терилди. Биз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон пахтакорларига йўллаган табрикнома сўзларини ғоят зўр курсандчилик ҳисларига тўлиб ўқиб чиқдик. Биз пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз.

Қўнғирот районининг меҳнаткашлари, шу жумладан совхозимиз ходимлари ҳам автоном республиканинг ана шу ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар.

КПСС XXV съезди тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари»да шу даврда Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади, дейилган. Автоном республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг ғоят катта ғамхўрлиги бунда ўзининг ёркин ифодасини топди.

Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб Қорақалпоғистон АССРда шоли етиштириш умумий ҳажмини 400-500 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Ана шу вазифанинг амалий жиҳатдан рўёбга чиқарилишини таъминламоқ учун катта-катта қўрик ерларни ўзлаштириш, Қизкетган магистрал каналини, шунингдек «Кувонишжарма» каналини қайта қуриш зарур. Биз ана шу мақсадлар учун зарур маблағ ажратишни, районимизда янги ерларни янада ўзлаштириш имкониятларини кидириб топишни илтимос қиламиз.

Биз Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат беш йиллик плани, 1977 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Қоракалпоғистон меҳнаткашлари республика олдида турган халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал қилиш, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшишдилар ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб ишонтиришга руҳсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат С. А. ОМЕРОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ

Ўзбекистоннинг халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани КПСС XXV съезди тасдиқлаган, партиямиз Марказий Комитетининг 1976 йилги октябрь Пленуми белгилаб берган бунёдкорлик ишлари программасининг амалда бажарилиши демакдир. Бу план республиканинг экономикаси ва маданиятини янада анча юксалтиришга имкон беради.

Қурилиш министрлиги жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариши керак. Министрликнинг қурилиш-монтаж ишлари программаси 1977 йилдан бошлаб қариб 20 процент, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Фарғона ва Жиззахда эса бир ярим-икки баравар кўпаяди.

Республиканинг бинокорлари ва монтажчилари қурилиш ишларини бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш соҳасида катта ишларни амалга оширдилар. Шу билан бирга биз республикамизнинг бир қанча заводларида ташкилотларимизнинг қуввати капитал қурилишга нисбатан ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларни таъминламаётганлигини равшан тасаввур қилаяпмиз. Заводда маҳсулот тайёрлаш суст ва биз ишлаб чиқараётган ҳамда бизга хизмат қилаётган корхоналар ишлаб чиқараётган буюмларнинг сифати паст. Сувоқчилик ва бўёқчилик ишлари етарли даражада механизациялаштирилган эмас. Пардозлаш ишлари ва алоҳида материаллардан биноларни қуриш ишларида индустриалаштириш суст жорий этилмоқда. Кадрлар ўртасида қўнимсизлик катта. Қурилишни концентрациялаш ва бригада пудратини жорий қилиш суръатлари шу куннинг талабларига мувофиқ даражада эмас. Объектларни бир меъёрда ишга туширмаслик қоллари тугатилмаган.

Мана шу камчиликлар учун айбнинг кўп қисми ҳеч шубҳасиз бинокорлар зиммасига тушади. Лекин ажратилган капитал маблағларни ўз вақтида олиш ва заказчиларнинг асбоб-ускуналарни қурилиш давомида нормада белгиланган муддатларга қаттик риоя қилган ҳолда етказиб беришнинг ҳам каттта аҳамияти бор.

Министрлик 1977 йилнинг биринчи ярмида фақат ишга туширилиадиган ва 1976 йилда битмай қолган объектлардагина ишни давом эттириши мўлжалламоқда. Янги объектларни қура бошлаш муддатини қурилишнинг нормада белгиланган муддатларини назарда тутиб белгилаш керак. 1977 йилдан бошлаб уй-жойларни, болалар боғчаларини ва мактабларни бир меъёрда ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш чоралари белгиланди.

Беш йиллик плада Чирчиқ, Фарғона Ангрен, Самарқанд, Бухоро уйсозлик комбинатларини реконструкциялаш ва уларнинг қувватини ошириш, Наманган, Қарши, Нукус комбинатларида ўйларнинг яхшиланган сериясини ишлаб чиқаришни жорий этиш назарда тутилади. Нукус, Қарши, Урганч, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ, Андижонда ва бошқа шаҳарларда технологик комплектлашнинг замонавий базаларини яратиш мўлжалланади. Кўп қаватли монолит уйсозликни ўзлаштириш бошланди. Келгуси йилдан бошлаб кўп қаватли каркас-панелли бинолар учун деталлар ишлаб чиқариш кўпайтириладк. Уй-жой ва маданий-маиший биноларни курадиган бригадаларнинг учдан икки қисмини беш йиллиннинг охиригача бригада пудрат усулига кўчирилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг коллективи Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини бажариш учун барча зарур чораларни кўради. **(Қарсаклар).**

Депутат Б. ЭЛБОЕВ нутқи

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми ишлаб чиққан улуғвор программа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари республикамизнинг барча меҳнатчилари билан ҳамнафас бўлиб ишладилар. Саноат корхоналари маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Капитал маблағларни ўзлаштириш ўн ойлик плани 100,5 процент адо этилди.

Мўл пахта ҳосили етиштирган пахтакорлар қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Область ўзининг давлатга пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуритини бажарди. Область пахтачилигининг бутун тарихи давомида рекорд ҳосил олинди. Доидан ҳам икки йиллик пландан ошиқ миқдорда рекорд ҳосил кўтарилди.

Давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, картошка, тухум, пилла сотиш планлари анча ошириб бажарилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев меҳнатдаги катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган табрикнома Қарши дашти чўлқуварларини меҳнатда янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда.

Область экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг ҳали кўпгина резервлари бор. Область партия, совет ва хўжалик органлари, барча меҳнатчилари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида бундан бўён ҳам тинимсиз курашаверадилар.

Областимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш беш йиллик мобайнида 2 баравардан зиёд, асосий фондлар 1.5 баравар, саноатдаги меҳнат унумдорлиги 40-45 процент кўпаяди. «Карши строй» бошқармасида 850 миллион сўм, яъни тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан сал кам 1.6 баравар кўп маблағ ўзлаштирилиши лозим. Енгил саноатнинг 12 та корхонасини қуриш мўлжалланган.

Областда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми беш йил ичида 14-17 процент, меҳнат унумдорлиги эса 27-30 процент ошириладик. Планда пахта етиштиришни 1975 йилдаги 355 минг тоннадан 1980 йилда 525 минг тоннага етказиб, деярли 1.5 баравар ошириш кўзда тутилган. Биз эса, пахта етиштиришни 1980 йилга бориб 650 минг тоннага етказиш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Қашқадарё области даги келгир депутатларнинг фикрича, 1976-1980 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш давлат беш йиллик планининг, республика халқ хўжалигини ривожлантириш 1977 йилги Давлат плани ва бюджетининг муҳокама қилинаётган лойиҳалари Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш манфаатларига тўлатўкис мос келади. Тақдим этилган қонун лойиҳаларини маъқуллаш ва қабул қилишни таклиф этаман. Шу билан бирга Қашқадарё областининг маркази — Карши шаҳрини ривожлантиришга кўпрок эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

Қўриқ Қашқадарё меҳнатчилари КПСС XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни ҳал этишга муносиб ишонтиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат А. Р. ХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон меҳнаткашлари шу кунларда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун зўр ғайрат ва шижоат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Съезд қарорларида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қудратини янада мустаҳкамлаш, унинг халқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тинимсиз оширишнинг улуғвор программаси белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган ёрқин нутқи республика меҳнаткашларининг ижодий ташаббускорлиги ва активлигини янада юксалтириб юборди.

Бутун совет халқи СССР Олий Советининг V сессияси ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планини ва 1977 йилги планни тасдиқлаганлигини ҳам зўр завқ-шавқ билан кутиб олди.

Республика саноати 1976 йил ўн бир ойи давлат топшириқларини муддатидан илгари бажариб, ҳаммамизни қувонтирганлиги, капитал қурилишнинг кенгайиб бораётган қўлами, қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари натижасида об-ҳаво шароитлари ноқулай келишига қарамай Ватан 5 миллион 300 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» олганлиги, иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги муваффақиятлар—Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёлилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини янги шонли зафарлар билан нишонлашига, КПСС XXV съезди уларнинг олдига қўйган вазифаларни шараф билан бажаришига бўлган ишончни кучайтирмоқда.

Меҳнатдаги катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган самимий табрикнома республика меҳнаткашларининг ижодий куч-ғайратларини жўш урдирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг қарорларида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу Пленумдаги докладида, 1976-1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети ушбу сессияси тасдиқлаган давлат планида, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги давлат плани ва давлат бюджетида республикамиз меҳнаткашларининг жанговар ҳаракат программаси белгилаб берилган. Республиканинг беш йиллик плани ҳам, 1977 йилги плани ва бюджети ҳам умумиттифоқ вазифаларига тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг ер ости бойликлари кодекси лойиҳасини республикамиз Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этди.

Коммунистик партия ва Совет давлати ер ости бойликларидан эҳтиёткорлик билан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилишни кучайтириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни изчиллик билан ҳал этиб бормоқда. Бу соҳада умуман бутун мамлакатда, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам катта самарали ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати шу масалалар юзасидан бир канча қарорлар қабул қилдиларки, бу қарорлар бажарилиб, катта натижаларга эришилди.

Ўзбекистонда кўпгина фойдали қазилма конлари қидириб топилган. Шунинг учун республикамиз бутун мамлакат халқ хўжалигини комплекс ва жадал ривожлантиришга янада кўпроқ ҳисса қўшиш учун зарур бўлган ҳамма имкониятларга эга деб тўла асос билан айта оламиз.

Республикада аниқланган минерал хом ашёнинг 80 га яқин тури 600 та саноат ва 450 та перспектив конда жойлашган, уларнинг базасида 500 га яқин кончилик корхоналари ишлаб турибди. Юксалиб бораётган экономика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кончилик — саноат районлари вужудга келди. Мис, қўрғошин, рух, молибден, олтин ва кўмир конларини ишга тушириш негизида Ангрен — Олмалиқ кончилик — саноат райони барпо этилди. Марказий Қизилқум олтин рудаси ва нодир металлар саноати районни бўлиб қолди. Фарғона водийси эса ҳали равишда нефть чиқариш ва нефтни қайта ишлаш индустриясининг асосий райони ҳисобланади. Бухоро ва Қашқадарё областлари эндиликда газ қазиб олинадиган энг катта марказлар сифатида машҳур бўлиб қолди. Сурхондарё областида Хондиза рангли ва ноёб металлар кони разведка қилиб бўлинди. Жиззах областида Учқулоч кўрғошин — рух конининг запаслари ҳисобга олинди. Навоий, Зарафшон, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Газли каби янги индустриал шаҳарлар пайдо бўлди. Руда конлари асосида эса Жиззах областида Марҳонбулоқ шаҳри барпо бўлади. Республиканинг халқ хўжалиги тез ривожланиши муносабати билан турли фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишлари тобора интенсивлашмоқда. Кейинги ўн беш йил ичида кўмир қазиш бир ярим баравар, газ қазиб олиш 74 баравар кўпайди. Цемент ишлаб чиқариш уч баравар, оҳак икки баравар, норуда қурилиш материаллари уч баравар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқариш ўн икки баравар ортди. Ўнинчи беш йилликда фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олиш янада тез суръатлар билан кўпаяди.

Шундай шароитда ер ости бойликларидан комплекс, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни кучайтириш проблемаси биринчи даражали аҳамият касб этади, шу масалалардаги муносабатларни қонун йўли билан тартибга солишни такомиллаштиришни талаб қилади.

Маълумки, СССР Олий Совети 1975 йил 9 июлда «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари ҳақидаги қонун асосларини тасдиқлаш тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қонунини ҳамда «Ер ости бойликларини қўриқлашни янада кучайтириш ва ер ости қазилмаларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисда»ги қарорни муҳокама қилиб, қабул этди. Шу муносабат билан республика қонунларини умумиттифоқ қонунларига тўла равишда мувофиқлаштириб олиш зарурати туғилди.

Қонун лойиҳасида халқ хўжалиги ривожининг ҳозирги босқичи талаблари ҳамда ер ости бойликларидан янада самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги катта вазифалар ҳисобга олинган.

Кодекс лойиҳасининг бўлимлари фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш, разведка қилишга, қидириб топилган запасларни расмийлаштириш ва ҳисоб-китоб қилишга; кончилик корхоналарини лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишга; фойдали қазилма конларини ишлатишга, шунингдек, ер остидан фойдали қазилма ковлаб олиш билан алоқадор бўлмаган мақсадларда фойдаланишга; кончилик ишларининг хавф-хатарсиз олиб борилишини таъминлашга; ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати ва контролини ўрнатишга; ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик чораларига бағишланган.

Кодекс лойиҳаси ер ости бойликларидан асосий фойдаланувчилар кончилик саноати корхоналари эканлигига асосланади. Ер остидан фойдаланишни яхшилаш ва уни муҳофаза қилишни кучайтириш ана шу корхоналарнинг ўз ишларини тўғри олиб боришларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Ваҳолонки, халқ хўжалигининг минерал хом ашёларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаши лозим бўлган тармоқ министрликлари, идоралар ва корхоналар фойдали қазилмаларни тўла-тўкисроқ кавлаш, уларни қазиб олиш, саралаш ва қайта ишлаш даврида исроф бўлишини қисқартириш талабларига баъзан риоя қилмаётирлар; ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва фойдали қазилмалардан комплекс фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузишга йўл қўймоқдалар. Кодекса ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг қонунларни ҳар қандай тарзда бузишларига йўл қўймаслик чоралари кўзда тутилган.

Практика фойдали қазилмаларни кавлаб олиш пайтида уларнинг анчагина қисми ер остида қолиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Аммо, уларнинг запасларидан, жумладан, кўмир конларининг запасларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Асосий қазилмага қўшилиб чиқадиган элементларни комплекс равишда ажратиб олиш ишлари сust олиб борилаяпти, саралаш фабрикалари ва металлургия корхоналарининг чиқитларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Минерал ресурслар қазилгач, ўрнини қоплаб бўлмайди. Шу сабабли фойдали қазилмаларни тўла-тўкис кавлаб олиш, улардан комплекс фойдаланиш ва улар таркибидаги фойдали моддаларни максимал миқдорда ажратиб олиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу конларни қидириб топиш ва саноат усулида ўзлаштиришга, конлар атрофидаги уй-жой посёлкалари, электр линиялари, автомобиль йўллари ва бошқа иншоотларни қуришга давлат катта-катта маблағ сарфлаганлигини эслаш чиқармаслик керак, шу маблағлардан имкони борича кўпроқ самара олишга интилиш лозим.

Бизда нодир ва сочма элементларни ер остидан кавлаб олишни ташкил этиш соҳасида катта иш қилинган. Бироқ, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтидаги нобудгарчилик жуда секинлик билан қисқартирилмоқда, минерал хом ашё таркибидаги кўпгина фойдали компонентлар етарли равишда ажратиб олинмаяпти, баъзи жойларда бу ишга мутлақо эътибор берилмаяпти.

Рудаларни саралаш вақтида нобудгарчиликни камайтириш ва товар-маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаётганлигига ҳам эътиборни қаратиш зарур. Металл ажратиб олиш соҳасида юқсак даражага эришган илғор корхоналарнинг тажрибаси сust жорий этилмоқда.

Республикада фойдали қазилмалардан рационал ва комплекс фойдаланиш борасида муайян иш қилинди. Бу жиҳатдан олганда Олмалиқ кон-металлургия комбинати намуна бўла олади. Уч асосий металл—мис, қўрғошин, рух қазиб чиқариш билан шуғулланадиган комбинат қўшимча равишда чиқадиган ўн уч компонентдан ўнтасини ажратиб олишни ўзлаштирди. Корхонада рух ва мис ишлаб чиқариш вақтида ҳосил бўладиган олтингугурт газидан қайта фойдаланиш негизида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аммо, бу ерда ҳам рудани саралаш ва металлургияда қайта ишлаш вақтида қўшимча компонентларни ажратиб олишни кўпайтириш йўли билан шундай элементлар ишлаб чиқаришни ошириш резервлари бор. Ана шу резервларнинг ҳаммасини ишга солиш муҳим вазифадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, руда қазиб олишни планлаштиришда йўл қўйилаётган баъзи нуқсонлар таркибида энг кўп руда бўлган конлардан фойдали қазилмаларни танлаб-танлаб чиқариб олишга сабаб бўлмоқда, бу эса ер ости бойликларига зиён етказмоқда.

Бир қанча жойларда фойдали қазилма конларини ишга солишни ташкил этишга маҳкамачилик назари билан қаралмоқда. Ангрен конидаги германийдан фойдаланишга алоқадор муҳим масалалар сust ҳал этилмоқда.

Республикада геология-разведка ишларини ўтказиш вақтида асосий қазилмаларга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни ўрганиш бир мунча яхшиланганлигини айтиб ўтиш зарур. Ўзбекистон ССР Геология министрлиги фойдали қазилмаларнинг ҳамма конларини комплекс ўрганиб, асосий компонентлардан ташқари, қўшилиб чиқадиган компонентларнинг запасларини ҳам тасдиқлаш учун тақдим эта бошлади.

Кон устини очиш натижасида чиққан жинслардан, саралаш фабрикаларинг чиндиларидан, металлургия ва химия корхоналарининг кули, шлаки, шунингдек, чиндиларидан фойдаланиш халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга.

Шағал-қум аралашмасидан ва майда тошлардан фойдаланишда вужудга келган аҳволга ҳам кўпроқ эътибор бериш керак. Шағал-қум конларини йигирматага яқин министрлик ва идора, кўпгина майда норентабель карьерлар эксплуатация қилмоқда. Кўпчилик карьерларнинг тасдиқланган запаслари йўқ, улар учун ажратилган жойлар расмийлаштирилган эмас. Натижада фойдали қазилмалар кўплаб исроф бўлмоқда. Кўпинча бундай карьерлар каттагина ҳайдаладиган ерни эгаллайди, ишлар тамом бўлганидан кейин эса, одатда, бу ерлар яна экин экишга яроқли ҳолга келтириб берилмайди ва тупроқнинг ҳосилдор қатлами сақлаб қолинмайди. Карьерлар турли идораларга бўйсунишни оқибатида, инерт материаллар областлар ва районалар ўртасида норационал равишда ташилмоқда, хатто қум ва шағални қарма-қарши томонларга ташиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Мавжуд карьерларнинг қувватидан тўла-тўкис фойдаланилмаётган бир пайтда турли идоралар йўли билан янги карьерлар қурилмоқда. рентабеллик нуқтаи назаридан қараганда, бундай қилиниши мутлақо мақсадга мувофиқ эмас.

Республика халқ хўжалиги ривожининг ҳозирги шароитида, чамаси инерт материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналарни Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги системасига бирлаштириш масаласи пишиб етилди.

Ер ости сувлари ўлкамиз ер ости бойликларининг жуда муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистон шароитида бу бойликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида доимий гамхўрлик қилиш керак. Аҳоли пунктларини, саноат корхоналарини сув билан таъминлаш, далаларни суғориш, дашту-биёбонларга сув чиқариш учун, шунингдек, беморларга шифо бериш мақсадида кенг равишда фойдаланилаётган ер ости сувларининг халқ хўжалиги учун аҳамияти чиндан ҳам бебаҳодир, аммо, ҳали кўп жойларда шу сувлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш устидан қаттиқ контроллик ўрнатилган эмас.

Ҳозир республикада 4.500 та булоқсимон қудуқ бор, ундан чиққан ер ости суви колхоз ва совхозларни сув билан таъминламоқда, далаларни суғормоқда ва яйловларга ҳаёт бахш этмоқда. Аммо, кейинги беш йил ичида атиги 2 мингта яқин қудуқ ускуналанди, уларнинг кўпчилиги ремонтга муҳтож бўлиб қолди, чунки уларнинг кранлари тез-тез едириб, ишдан чиқиб қоляпти. Шу муносабат билан кодекс лойиҳасига ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланиш масалаларини акс эттирадиган махсус моддалар киритилди.

Минерал сувлар каби қимматли ресурслардан фойдаланишда йўл қўйилаётган катта ва ўринсиз исрофгарчиликка ҳам жиддий эътибор бериш керак. Ерларимиз остидаги сув запасларининг беҳуда нобуд бўлишига йўл қўймай, улардан оқилона фойдаланиш имконини берадиган тадбирларни жорий этиш зарур.

Ер ости сувларининг кўпгина манбалари саноат ювиндиси билан, шунингдек қишлоқ хўжалигини химиялаш йўли билан, зовур сувини оқизиш билан ифлослантирилаётганлигига бепарво қараб бўлмайди. Ер ости сувларини чиқариб олиш режими устидан ўрнатилган контролликни кучайтириш ҳамда ер устидаги ва ер остидаги манбаларнинг ифлосланишига қарши кескин кураш олиб бориш зарур.

Ер ости сувларини камайиб кетишдан ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш лозим бўлган давлат геология контроли хизмати кейинги вақтларгача ҳам унчалик самарали ишламади, унга тегишли юридик ҳуқуқлар берилмади. Шу сабабли кодекс лойиҳасида мазкур масалага доир махсус кўрсатмалар баён этилган. Ер ости сувларининг муҳофаза этилишини контроль қилиш вазифаси меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, республика Геология министрлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига юклатилган.

Ер ости сувларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларни келгусида ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш мақсадида республикада ер ости ва ер усти сувларидан комплекс фойдаланишнинг бош схемаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, сув омборларидан сув юбориш учун қурилган иншоотлар группалари бўйича сувларни сақлаш тадбирларини амалга ошириш, ер ости сувларининг ифлосланиш сабабларини ўрганишга, ишлаб турган сув иншоотларидаги запасларни ўрганиш ва тасдиқлашга оид илмий-текшириш ишларини кучайтириш ҳам мўлжалланмоқда.

Кодекс лойиҳаси бу муҳим давлат ишида планлаштириш ва контроль қилиш органларининг ролини ошириш зарурлигига асосланади. Фойдали қазилмаларни ўринли ишлатиш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар мустаҳкам план асосига қўйилмоқда.

Ер ости бойликларидан фойдаланишни яхшилаш максадида кодекс лойиҳасида фойдали казилма конларини давлат ҳисобига олиш системаси белгилаб қўйилган. Геология-разведка ишларининг самарадорлиги ва сифатини оширишга, унинг натижалари пишиқ-пухта бўлишига катта эътибор берилади.

Ўнинчи беш йилликда геология-разведка ташкилотлари олдига ер остини янада яхшироқ ўрганиш юзасидан янги вазифалар қўйилган. Халқ хўжалигининг минерал хом ашёнинг разведка қилинган запасларига бўлган ва тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш ва бу ишларни энг оз чиқим қилиб, юқори сифатли бажариш геология-разведка ташкилотларининг энг муҳим бурчидир.

Кўпдан-кўп фойдали қазилмаларни интенсив равишда чиқариб олиш муносабати билан ер фондини сақлаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ССРнинг ер ости бойликлари кодекси лойиҳасида кончилик ишлари ва бошқа турдаги ишлар натижасида бузилган ерларни қайта тиклаш, яъни экин экишга яроқли ҳолга келтиришга нисбатан алоҳида талаблар қўйилган.

Кодекс лойиҳасида кончилик ишларида хавф-хатарсиз ва соғлом меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яратишга нисбатан қўйиладиган асосий талаблари кўзда тутувчи бўлим бор. Кончилик ишлари фан ва техниканинг ҳозирги замон ютуқлари асосида олиб борилиши, меҳнатнинг қулай шароитлари таъминланиши, коллектив ва индивидуал ҳимоя воситаларини қўлланиб, касб касаллиги ва ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олиш лозим.

Ер остидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат ва контроллик чораларини кучайтириш кўзда тутилмоқда. Давлат кон назоратининг вазифалари ва функциялари, қонунни бузиш ҳоллари рўй берган тақдирда ишни тўхатиб қўйиш, ер ости бойликларидан фойдаланишни тўхтатиш ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, ер ости бойликларидан тўғри фойдаланиш ва ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш юзасидан албатта бажарилиши лозим бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқи белгиланган. Зарурат туғилган ҳолларда назорат органлари айбдор шахсларни белгиланган тартибда қаттиқ жавобгарликка тортишлари лозим.

Геология ташкилотлари ишларни изчиллик билан ўтказиши, конларни комплекс ўрганиши, ишларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаши ва шу ишларнинг самарадорлигини кучайтириш устидан назорат килиб турадиган давлат геология контролининг роли ҳам ошириладi.

Янги қонун лойиҳасида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва улардаги ижроия комитетларнинг ер ости бойликларидан рационал фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу ишга қасаба союз ташкилотлари, шунингдек, ёшлар ташкилотлари, табиатни муҳофаза қилиш жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари, кенг меҳнаткашлар оммаси ҳам жалб этилади.

Фан-техника тараққиёти ривожининг ҳозирги шароитида ер ости бойликларини муҳофаза қилиш проблемасини кенг илмий-текшириш ишларини олиб бормай туриб, бу ишга чуқур илмий ёндашмай туриб муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси турли тармоқларга мансуб бўлган илмий тадқиқот ташкилотларининг куч-ғайрлатарини координациялашни ҳамда минерал хом ашёдан фойдаланиш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги актуал проблемаларни комплекс ишлаб чиқишни таъминлаши керак.

Кўриб чиқилаётган кодекс иқтисодий ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси талабларига мос келади ва КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларга мувофиқ республикамизда минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза этишни яхшилаш имконини беради.

Кодекс лойиҳаси республиканинг етакчи мутахассислари томонидан тайёрланган. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонун лойиҳалари тайёрлаш, саноат, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, табиат ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги доимий комиссиялари томонидан маъқулланди.

Республика Министрлар Совети кодекс лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этар экан, бу муҳим қонун актини тайёрлашда қатнашган ҳамма ўртоқларга миннатдорчилик изҳор этади.

Ўзбекистон ССР ер ости бойликлари кодексининг республика Олий Совети томонидан қабул этилиши социалистик экономикани янада юксалтиришда, фойдали қазилмаларни рационал ишлатиш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишни яхшилаш ва такомиллаштиришда, коммунистик қурилиш соҳасида КПСС XXV съезди томонидан Ўзбекистон олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда катта роль ўйнайди, деб комил ишонч билан айтишга ижозат бергайсизлар. (Қарсаклар).

Искандар ДЎСОВ

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, колхоз ишлаб чиқаришининг ветерани, Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси Искандар Дўсов оғир касалликдан сўнг 25 ноябрда вафот этди.

И. Дўсов 1916 йилда Боғот районидаги Боғот қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1930 йилдан колхозчи бўлиб бошлади. 1938 йили Янгиариқ районидаги «Қизил милиция» колхозининг раислигига сайланди, сўнгра Янгиариқ район ер тузиляпти бўлимининг бошлиғи. Боғот қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлади. Улуғ Ватан урушида қатнашиб оғир яралар бўлди. Фронтдан қайтгандан кейин 1945 йил октябрь ойида Нариманов номли колхозининг раислигига сайланди. Ҳаётининг сўнгги кунларигача шу хўжаликка узлуксиз бошчилик қилди. Колхоз унинг бошчилигида гоят ривожланган, моддий-техника базасига эга бўлган илғор хўжаликка айланди. Хўжалик ишлаб чиқаришдаги юксак натижалари учун 1967 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

И. Дўсов социал-маиший масалаларни моҳирона ҳал этиб, қишлоқда турмуш маданиятини ривожлантириш йўлида кўп ишлар қилди. У ўзининг бой тажрибасини колхозчилар ҳамда ёш мутахассисларга саҳийлик билан ўргатар эди.

1941 йилдан буён КПСС аъзоси бўлган И. Дўсов 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, 1963 йилдан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати эди. У Бутуниттифоқ колхозлар кенгашининг аъзоси эди.

И. Дўсовнинг фидокорона меҳнати бир неча марта Ватанининг юксак мукофотлари билан тақдирланган. 1956 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Икки марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Совет деҳқонларининг шонли фарзанди, коммунист, отаси ватанпарвар Искандар Дўсовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

Ш. Р. Рашидов, Н. М. Матчонов, Н. Ж. Худойбердиев, Л. И. Греков, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Н. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. Р. Хўжаев, Н. М. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. С. Абдалин, Г. А. Габриельянц, Т. Г. Зинин, М. Худойберганов, Р. Эшчонов, А. А. Уркинбоев.

ВЕНЕСУЭЛА ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАДА

26 ноябрь куни Кремлда иқтисодий ва саноат ҳамкорлиги тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Венесуэла Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган битим имзоланди.

Ҳужжатни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров билан Венесуэла Республикаси ташқи ишлар министри Рамон Эсковар Салом имзоладилар.

Ҳужжатни имзолаш чоғида:

Совет томонидан — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Маданият министри П. Н. Демичев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар хозир бўлдилар.

Венесуэла томонидан—Венесуэла Республикасининг Президенти К. А. Перес ва Президентнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлган кишилар иштирок этдилар.

К. А. Перес шу куни СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукумати шарафига нонушта-зиёфат берди. Зиёфатда Н. В. Подгорний, К. Т. Мазуров, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат чоғида К. А. Перес билан К. Т. Мазуров нутқ сўзлаб, қадаҳ кўтардилар.

Венесуэла Президенти М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида бўлди. СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин ва Москва Давлат университетининг ректори академик Р. В. Хохлов меҳмонни университетда ўтказилаётган илмий-педагогик иш билан, ёш мутахассисларни тайёрлаш системаси билан таништирдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

25 ноябрь куни Ўзбекитон ССР Олий Совети бир канча доимий комиссияларининг мажлислари бўлди.

Фан ва маданият комиссияси республика шаҳарларида ва бошқа аҳоли пунктларидаги революцион, меҳнат ва жанговар шуҳрат ёдгорликларининг аҳволи тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Қонун лойиҳаларини тузиш, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиялари 1977 йилги иш планларни тасдиқладилар. (ЎзТАГ).

ТАЪЛИМ СИФАТИ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Тошкентда ўрта мактабларда факультатив машғулотларнинг методикасини такомиллаштириш йўллари проблемасига бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. СССР Педагогика фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги уюштирган бу учрашувда кўпгина республикаларнинг мактаб ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари, педагогик ўқув юртларининг муаллимлари, халқ маорифи органларининг ходимлари иштирок этдилар.

Кенгаш иштирокчилари икки кунлик иш мобайнида ўқувчиларда мустақил иш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни, мактаб факультатив ишларининг самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар. Мутахассислар, жумладан, ўзбекистонлик педагогларнинг миллий мактабларда рус тилини ўқитиш ва ўрганиш соҳасидаги тажрибаси билан астойдил қизиқиб, уларнинг тажрибасига юксак баҳо бердилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада матбуотни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон информация агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Владимир Яковлевич Алишевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ГИМНИ

НУКУС, 26 ноябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири В. Остролуцкий). Қорақалпоғистонда бошқирд адабиёти ва санъати кунлари поёнига етди. Орол соҳилининг минг-минглаб меҳнаткашлари ижодий учрашувларда қатнашдилар концерт ва кўргазмаларда бўлишди. Ҳар иккала қардош маданият байрамининг маршрутлари саноат корхоналарининг цехлари ва қурилиш майдончалари орқали, Элликқалъа ва Жамбасқалъа массивларидаги янги ташкил этилган пахтакор хўжаликлар, Чимбой ва Тахтакўпир кўриқ ерларидаги шолипоялар, Устюрт оловкорлари ва чорвадорлари, Орол балиқчилари яшаб турган ерлар орқали ўтди. Бу кунлар қардош халқларнинг бузилмас дўстлигининг ёрқин намойишига, ленинчи миллий сиёсат тантанасига айланиб кетди.

Бугун Нукусдаги Санъат саройида байрамни тантанали равишда ёпиш маросими бўлиб ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тўпланганларнинг гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

— Бошқирд адабиёти ва санъати кунлари ҳар иккала республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлиб қолди,— деди тантанали йиғилишни очаётуриб Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. Ешимбетов.—Бу кунлар бир-биримизни янада яқинроқ билиб олишга, меҳнаткаш Бошқирдистоннинг бугунги кунда гуллаб-яшнаётган ҳаётини яққолроқ кўришга ёрдам берди. Биз қардош бошқирд халқи билан ўз алоқаларимизни янада кўпроқ мустаҳкамладик. Бошқирд халқининг кўрсатган жасорати кўшиқларда, бадиий полотноларда ва китобларда, киноленталарда ёрқин акс эттирилган. Қорақалпоғистон меҳнаткашлари адабиёт ва санъат кунлари мобайнида булар билан таништдилар.

— Дўстлигимиз ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, деб таъкидлади ўз нутқида Бошқирдистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Ф. В. Султонов.—Биз бунга республика билан танишган чоғимизда, Қорақалпоғистон диёрининг меҳнатсевар кишилари билан бўлган учрашувларда ишонч ҳосил қилдик. Биз Қорақалпоғистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезди белгилаб берган бунёдкорлик ишларининг тарихий программасини амалга ошириш учун далаларда, заводларнинг цехларида, қурилишларда нақадар илҳом билан меҳнат қилаётганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Байрам иштирокчилари ўз нутқларида мамлакатимиз халқларининг мустаҳкамланаётган дўстлиги тўғрисида, маданиятларнинг ўзаро бойиши, жонажон Коммунистик партия миллий сиёсатининг ҳаётий кучи тўғрисида гапирдилар.

Таитанали йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга ўзоқ давом этган қарсаклар остида табрикнома қабул қилдилар.

Қорақалпоғистонда адабиёт ва санъат кунларида иштирок этган Бошқирдистон ижодий союзларини, бадиий коллективларни Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон ўқиб эшиттирилди.

Якунловчи тантанали кечада Бошқирдистон санъат усталарининг катта концерти бўлди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р—13484. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В.—278.